

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

« 10 » май 2022 йил

Учкуприк тумани

Учкуприк тумани Халк таълим булими бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан харакат қилувчи бошлиқ шахсидан М.Махмудов ва «ООО SYSTEM SERVIS UCHKO'PRIK» МЧЖ бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан харакат қилувчи бошлиқ шахсидан Д.Машрапов ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тўзадилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1 «ПУДРАТЧИ» ўз кучи. Асбоблари механизмлари билан «БУЮРТМАЧИ»га карашли бинони шартномага илова қилинувчи техник заданиясига мувофик бинони том қисмини кимёвий ишлов бериш ишлари амалдаги техник шартларга риоя қилган холда ишларни бажариш мажбуриятлари ўз зиммасига олади.

1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли хужжатларига мос холда «БУЮРТМАЧИ» биносидан том қисмини кимёвий ишлов бериш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр холда ўз муддатида «БУЮРТМАЧИ»га топширишни ўз зиммасига олади.

1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вақтида том қисмини кимёвий ишлов бериш ишлари учун кетадиган материаллар ва ишчи кучини ўз хисобидан ўзи таминлайди.

1.4 «ПУДРАТЧИ» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, далолатномаларини «БУЮРТМАЧИ» ўзининг мутахасисларини иштирокида қабул қилиб олади.

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Шартноманинг умумий бахоси 135 000 000 ( Бир юз уттиз беш миллион ) сўмни ташқил қилади.

2.2 Шартнома бахоси ўз ичига КМИ материаллар бахоси тафовути ва ҚҚС ни олмайди.

## 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 Ушбу шартнома буйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» хисоб рақамига 30% аванс туловини ўтказиб беради.

3.2 Тулов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2 хужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг хисоб рақамига тугридан тугри пул ўтказиб беради.

3.3 Шартнома буйича охириги 70% хисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сунг 15 кундан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1 «ПУДРАТЧИ» ушбу шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишларини 20-кун муддатда бажаради.

4.2 Шарнома 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 «ПУДРАТЧИ».

5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га меёрий хужжатлар талабига ва қоидалар асосида топшириш:

5.1.2 Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташқилотлар билан субподряд шартномаги тўзганини тўғрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.

5.1.3 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни том қисмини кимёвий ишлов бериш ишлари буйича зарур чора тадбирларини бажарилишини таъминлаш:

5.1.4 «ПУДРАТЧИ» назорати тўловларидан келиб чикқан ортикча иш хақи хажми учун жавоб бермайди. «ПУДРАТЧИ» (ёлланма) ташқилотлар ўзлари бажарган иш хажмлари учун ўзлари жавоб бериш мажбуриятини олади.

## 5.2 «БУЮРТМАЧИ»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажми «ПУДРАТЧИ» га топшириш;

5.2.2 У шартномани 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИ» га ҳақ тулаш;

5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Тарафлар шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўзганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0.5% ҳисобида пеня тулайди лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган сўмманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб кўрган зарарни қоплайди.

6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бўзилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафларни биронтаси ҳам ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларни эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин. Бўлмаган ҳолатлар бундан уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқоралик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, эр кемирнши сув тошқини ёнгинни ва бошқа табиий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

7.2 Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан берилган гувоҳномалар унинг етарли даражасидаги тасдиғи ҳисобланади.

7.3 Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажариш унинг тўсир курсатиш ёки монейлик қилиш тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тез хабар бериш лозим.

7.4 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам тасир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса буюртмачи томонидан шартнома бекор қилиши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан пайдо булган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида мўзокара йули билан хал қилинади.

8.2 Агар келишмовчиликлар мўзокара йули билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида кўрилиши лозим бўлади.

## 9. ШАРТНОМАГА ҚУШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1 Ушбу шартнома ҳар қандай киритиладиган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар иккала томон имзолаган ҳолларда ва Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.

9.2 «БУЮРТМАЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:

9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сустркашлик билан муддати 1 (бир) ой ун (10) кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бўзиш натижасида кўрсатилган ишларини сифати пасайганда.

9.3 «ПУДРАТЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли;

9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича том қисмини кимёвий ишлов бериш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.

9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик том қисмини кимёвий ишлов бериш ишлари молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.4 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тулайди.

Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1 «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1-йил муддатга кафолат беради. Ушбу бандга риоя қилинмаган ҳолларда бажарилган ишлар шартномавий қийматининг 0,5 баробари миқдорда жарима тулайди.

10.2 Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият курсатадилар.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

### «БУЮРТМАЧИ»

**Номи:** Учқуприк ХТБ

**Манзили:** Навруз шоҳ кучаси № 29 ўй

**Тел:** + 998 90 565 52 65

**Ш.Ф.Х:** 100022860302217092100075059

**СТИР:** 200192517 **ОКОНХ:** 97600

**Ҳазначилик булинмасининг номи:**

Учқуприк тумани бўйича Ҳазначилик булинмаси

**Я.Ҳ.Ҳ:** 23402000300100001010

**Банк номи:** Марказий Банк Тошкент шаҳар

бош бошқармаси Х.К.К.М.

**МҲО:** 00014 **ИНН:** 201122919

**Раҳбар:** М.Маҳмудов

М.У. (Ф.И.Ш) (МЗО)

### «ПУДРАТЧИ»

**Номи:** «ООО SYSTEM SERVIS UCHKO'PRIK» МЧЖ

**Манзили:** Учқуприк т. Машад кишлоги

**Х/Р:** 20208000005334003001

**Банк:** Алокабанк Қукон филиали

**МҲО:** 00401

**Тел:** 998 99 590 00 44

**ИНН:** 308130022

**ОКОНХ:** \_\_\_\_\_



**Раҳбар:** Д.Машрапов

М.У. (ИМЗО)

(ИМЗО)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA NOMUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA  
№MX24357114**

**1. Loyihaning turi:**

Pudrat shartnomasi

**2. Loyiha ishlab chiqilgan va yuridik xizmat ko'rsatish markaziga**

**kiritilganligi to'g'risidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan va 2022-yil 10-may kuni Uchko'prik tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga «E-Huquqshunos» elektron tizimi orqali taqdim qilingan.

**3. Mahsulot yetkazib berish shartnomasining qisqacha mazmuni:**

“OOO SYSTEM SERVIS UChKO'PRIK” MChJ nomida nizom asosida harakat qiluvchi boshliq D.Mashrapov, bir tomondan bundan buyon “Pudratchi” deb yuritiladi, ikkinchi tomondan Farg'ona viloyat Uchko'prik tumani Xalq ta'limi bo'limi “Buyurmachi” nomidan bo'lim mudiri M.Maxmudov quyidagilar to'g'risida shartnoma tuzadilar:

**1.Shartnomaning mazmuni**

1.1 Pudratchi o'z kuchi, asboblari va mexanizmlari bilan “Buyurmachi”ga qarashli binoni shartnomaga ilova qilinuvchi texnik zadaniyasiga muvofiq, binoning tom qismini kimyoviy ishlov berish ishlari amaldagi texnik shartlariga rioya qilgan holda ishlarni bajarish majburiyatlarini o'z zimmasiga oladi.

1.2 Pudratchi tegishli xujjatlariga mos holda “Buyurmachi” binosidan tom qismini kimyoviy ishlov berish ishlarini kelishilgan vaqtda bajarish va uni kamchiliklarsiz to'liq tayor holda o'z muddatida “Buyurmachi”ga topshirishni o'z zimmasiga oladi.

1.3 Pudratchi ish bajarish vaqtida tom qismini kimyoviy ishlov berish ishlari uchun ketadigan materiallar va ishchi kuchini o'z xisobidan o'zi taminlaydi.

1.4 Pudratchi tomonidan qilingan ishlari yakunlangandan keyin F-2 dalolatnomalarini “Buyurmachi” o'zining mutaxassislarini ishtirokida qabul qilib oladi.

**2. Shartnoma bahosi**

2.1 Shartnomaning umumiy bahosi 135.000.0000 (bir yuz o'ttiz besh million) so'm miqdorida pul o'tkazadi.

2.2 Shartnoma bahosi o'z ichiga KMI materiallar bahosi tafovuti va QQSni olmaydi.

**4. Shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlari asosida o'rganish.**

Moliyaviy hisob bilan bog'liq masalalar xulosa predmetiga kirmaydi.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 30-moddasiga muvofiq. Xarid qilish tartib-taomillarini amalga oshirish turlari quyidagilardan iborat: elektron do'kon; boshlang'ich narxni pasaytirish uchun o'tkaziladigan auksion; eng yaxshi takliflarni tanlash; tender; to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha amalga oshiriladigan davlat xaridlari; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari bilan ruxsat etilgan xaridlarning boshqa raqobatli turlari.

Xarid qilish tartib-taomillari elektron shaklda amalga oshirilishi mumkin.

Elektron xarid maxsus portaliga joylashtirilgan (<https://etender.uzex.uz/deals-list>) №22110012076747 raqamli lot bo'yicha xarid komissiyasining bayonnomasiga ko'ra "ООО SYSTEM SERVIS UChKO\*PRIK" MChJ tanlov g'olibi deb topilgan.

Shartnomasi loyihasini o'rganib chiqib,

#### XULOSA QILINDI:

Putrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik xujjatlariga muvofiq deb topilsin.

Uchko'prik tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh  
yuriskonsulti



2022-yil «10» may

I.Murodov